**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОДИКОВ АКМАЛ ШАВКАТ ЎҒЛИ**

# НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**УЎК: 34(043.5)(575.1)**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)**

**Содиков Акмал Шавкат ўғли**
Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш масалалари……………………………………………………………………3

**Sodikov Akmal Shavkat ugli**
Issues to increase the effectiveness of providing rule-making process with information……………………………………………………………………..25

**Содиков Акмал Шавкат угли**
Вопросы повышения эффективности информационного обеспечения нормотворческого процесса ……………………………………………………………43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**
Список опубликованных научных работ
List of published scientific works……………………………………………………47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОДИКОВ АКМАЛ ШАВКАТ ЎҒЛИ**

# НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Yu408 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Сайдуллаев Шахзод Алиханович,**
юридик фанлар номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Акилов Алимжан Рахимович,**
юридик фанлар доктори, профессор

**Бердияров Шухрат Намазбоевич,**
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 29 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1002-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13-уй. Тел.: (998) 71-233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» декабрда тарқатилди.

(2021 йил «16» декабрдаги 15 рақамли реестр баённомаси).

**Р.Р.Хакимов,**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**И.Р.Беков,**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори (DSc), профессор в.б.

**М.А.Ахмедшаева,**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда илғор демократик ҳуқуқий давлатлар томонидан норма ижодкорлигини такомиллаштириш бўйича истиқболли йўналишлар белгиланган бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ахборот билан таъминлаш тизими самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. БМТнинг 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий йўналишларидан бири «барча даражаларда таъсирчан, кенг қамровли ҳамда вакиллик асосида қарорлар қабул қилишни таъминлаш»[1] ҳисобланади, шунингдек БМТ Тараққиёт Дастурининг жаҳон мамлакатларида демократик бошқарувни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолияти бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этади[2]. Бундан ташқари, COVID-19 пандемияси норма ижодкорлиги жараёнида ахборот алмашинуви замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ёндашувларни талаб этиб, мақбул ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда илмий-назарий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш воситаларининг ривожи ва «ақлли тартибга солиш» модели элементларидан фойдаланиш натижасида ахборотни таснифлаш методологияси, ахборот билан таъминлаш концепцияси, ахборотнинг сифат талаблари тизимини ишлаб чиқиш, илмий ҳамда эксперт-таҳлил маълумотлари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш масалалари муҳим илмий-амалий тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш масаласи Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат ва жамият қурилиши тизимини ривожлантириш[3] ҳамда Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясида[4] устувор йўналишлардан бири сифатида тегишли вазифаларни ҳал қилиш, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг таъсирчанлигини оширишни талаб этмоқда. Мазкур соҳада кўплабислоҳотлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, мамлакатимиз Жаҳон Банкининг Бутунжаҳон бошқарув кўрсаткичлари (World Governance Indicators) лойиҳасининг Қонунчилик сифати йўналишида энг сўнгги (100 балли тизимда 2019 йил 12.98, 2020 йил 15.38 рейтинг бали[5]) ўринлардан жой олиб келмоқда. Албатта, бу ҳолат норма ижодкорлигининг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, уларни амалиётда самарали қўлланилиши учун лойиҳани ишлаб чиқиш босқичида илмий асосланган, ишончли, холис, таҳлилий ҳамда

---

[1] https://www.un.org/sustainabledevelopment/peace-justice/

[2] https://www.un.org/ru/global-issues/democracy

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ–4947-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ–5505-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.

[5] https://info.worldbank.org/governance/wgi/

ҳаққоний ахборот билан таъминланганлик даражасини тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Мазкур тадқиқот иши «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида» ги (2006), «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги (2021) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ–5505-сон (2018), «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ–6075-сон фармонлари (2020), «Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ–3628-сон қарори (2018) ва тадқиқот мавзусига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ амалга оширилган илмий тадқиқот ва изланишларни қуйидаги йўналишларда таҳлил этиш мумкин:

Биринчидан, миллий юридик фанда норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш билан боғлиқ илмий-назарий масалалар ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, улар қаторида А.Х.Саидов, Ҳ.Т.Одилқориев, М.А.Ахмедшаева, Ш.И.Файзиев, Х.Т.Маматов, М.К.Нажимов, И.В.Кудрявцев, Р.Р.Хакимов, П.А.Рустамов, Ш.Н.Бердияров, Х.С.Хайитов, Ш.А.Сайдуллаев ва бошқа олимларни кўрсатиб ўтиш мумкин[1].

Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнининг илмий ахборот билан таъминлаш муаммоси П.А.Рустамовнинг номзодлик диссертациясида (2001), қонун ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тизимини такомиллаштириш масалалари Б.Д.Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида (2009), қонун ижодкорлигида башорат қилиш амалиётини жорий этиш муаммоси И.Т.Тультеевнинг докторлик диссертациясида (2010), юридик техникани такомиллаштириш муаммолари О.З.Шодиқуловнинг номзодлик диссертациясида (2011), ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг методологик асослари масалалари Ш.Н.Бердияровнинг докторлик диссертациясида (2018), норма ижодкорлигида турли экспертизаларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари Х.С.Хайитовнинг докторлик

[1] Ушбу илмий ишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

диссертациясида (2018), ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминоти А.Қ.Худойбердиевнинг докторлик диссертациясида (2020), «электрон ҳукумат» шароитида ахборот алмашинуви масалалари С.А.Садиковнинг юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясида (2020) ҳамда норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» методларини қўллаш масалалари С.А.Султанованинг юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясида (2021) тадқиқ этилган. Бироқ, миллий юридик фанда норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари яхлит монографик тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Иккинчидан, МДҲга аъзо мамлакатлар олимлари Ю.Г.Арзамасова, А.А.Арнаутова, О.В.Галущенко, И.В.Ганичев, С.И.Гирько, А.В.Ильин, С.А.Куликова, И.В.Куртяк, Л.В.Магдилова, С.И.Носов, П.Н.Павлов, А.С.Проскурин, А.А.Чеботарева, С.Г.Чубукова, Л.Д.Чулюкин, Д.В.Чухвичев, Н.В.Юрасюк ҳамда Е.Н.Ярмоновалар изланишлар доирасида мазкур тадқиқот мавзуси объектининг турли жиҳатларини тадқиқ этишган[1].

Учинчидан, АҚШ ва Европа мамлакатлари олимлари К.Аббот, Ж.С.Ангейо, Д.Л.Эшли, Т.Беккер, М.Берман, И.Брудник, Т.Верслике, Т.Гарви, К.Х.Гётц, П.Дельвенне, Ж.Каммерхофер, Т.Керикмяэ, Л.Клювер, И.С.Любберс, Ж.МакГанн, М.Риккинен, Ф.Шауэр, К.Ж.Страндбург, П.Ж.Хилд ва К.Хендерсонларни келтириб ўтиш мумкин[2].

Улар томонидан норма ижодкорлиги жараёнини илмий асослантирилган ахборот билан таъминлаш, «ахборот» ва «ҳуқуқий ахборот» тушунчалари, ахборот билан таъминлаш принциплари, ахборотга қўйилган талаблар, ахборотнинг турлари ҳамда ахборот билан таъминлашда «ақл марказлари» нинг аҳамияти каби масалалар ўрганилган.

Тўртинчидан, Осиё мамлакатлари олимлари, хусусан Н.А.Аземи, А.Э.Ким, А.Гупта, А.Сингх, Р.Чопра, Н.Хусин, Л.М.Хан, Л.Тио, Ю.Цужи, Х.Заиди, Е.Янг ва Й.Ямадалар томонидан норма ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, ахборот билан таъминловчи мустақил субъектларнинг аҳамияти тадқиқ этилган[3].

Юқорида қайд этилган илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, шунингдек илғор хориж тажрибаси асосида комплекс тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**.

Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда илмий тадқиқотларнинг устувор

[1] Ушбу илмий ишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.
[2] Ушбу илмий ишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.
[3] Ушбу илмий ишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш муносабатларини илмий-назарий нуқтаи назардан комплекс тадқиқ этиш орқали Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича тегишли таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш тушунчасини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш;

норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборот турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотга қўйиладиган талабларни ёритиб бериш;

норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш муносабат ва воситаларига аниқлик киритиш;

норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъектларни таҳлил этиш;

норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш истиқболли йўналишларини тадқиқ этиш;

норма ижодкорлиги жараёнида илмий ахборот ҳамда эксперт-таҳлил маълумотлари билан таъминлаш тизимини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш борасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, илғор хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда илмий-назарий концептуал ёндашувлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, индукция, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва ахборотни тўплаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш босқичи сифатида белгилаш зарурлиги асослаб берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда баён қилинадиган ахборот аниқ, асосланган бўлиши ва муаммонинг амалдаги қонунчилик мукаммал эмаслиги билан сабаб-оқибат алоқасини кўрсатиб бериши зарурлиги асослантирилган;

норма ижодкори томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда асосланмаган фикр-мулоҳаза ва таклифлар қабул қилинмаслиги

ҳамда унинг натижасида вужудга келган оқибатлар учун жавобгарлик масаласи манфаатдор органнинг зиммасига юклатилиши зарурлиги асослаб берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказишда ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан шартнома асосида мутахассис жалб қилиш механизмини жорий этиш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қонун лойиҳаси ва унга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда акс эттириладиган ахборотга қатъий талабларни белгилаш ҳамда илмий таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асослантирилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва уни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган ахборот таъминоти самарадорлигини ошириш мақсадида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асосланган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органларнинг норма ижодкорлиги жараёнида эксперт-таҳлил маълумотлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ–3628-сон қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбаларга асослангани, миллий қонунчилик ҳамда халқаро тажриба ўзаро таҳлил қилингани, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, тадқиқот натижаларининг миллий ҳамда хорижий нашрларда эълон қилингани, шунингдек ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича назарий-ҳуқуқий масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, Давлат ва ҳуқуқ назарияси, Норма ижодкорлиги ва Юридик техника ўқув модулларидан таълим бериш ҳамда мазкур модулларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти норма ижодкорлигини ахборот билан таъминлаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш масалалари мавзусини тадқиқ этиш бўйича олинган хулосалар натижалари асосида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва ахборотни тўплаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш босқичи сифатида белгилаш зарурлиги ҳақидаги таклифдан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддаси биринчи қисм тўртинчи хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 9 ноябрдаги №12-18-22-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ахборот тўплаш жараёнини норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашнинг алоҳида босқичи сифатида белгилашга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда баён қилинадиган ахборот аниқ, асосланган бўлиши ва муаммонинг амалдаги қонунчилик мукаммал эмаслиги ўртасида сабаб-оқибат алоқасини кўрсатиб бериши зарурлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги ЎРҚ–682-сон Қонуни билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётининг 92-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 9 ноябрдаги №12-18-22-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда аниқ илмий-амалий далилларга таянишга ва амалиётдаги муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ асослантирилган механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

норма ижодкори томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда асосланмаган фикр-мулоҳаза ва таклифлар қабул қилинмаслиги ҳамда унинг натижасида вужудга келган оқибатлар учун жавобгарлик масаласи манфаатдор органнинг биринчи раҳбари зиммасига юклатилишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги ЎРҚ–682-сон Қонуни билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётининг 104-бандини ишлаб чиқишда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 9 ноябрдаги №12-18-22-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши норма ижодкорлигини ахборот билан таъминлаш ва норма ижодкорлиги жараёнида берилган таклифларни инобатга олишда тегишли субъектларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан

ўтказишда ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан шартнома асосида мутахассис жалб қилиш механизмини жорий этишга оид таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги 662-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандини тайёрлашда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 9 ноябрдаги №12-18-22-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини лингвистик экспертизадан ўтказиш механизмини аниқ белгилашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманда, жумладан 5 та халқаро, 6 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (шундан 2 та мақола хорижий журналда) ва тўпламлар таркибида 15 та илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 9 параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ҳамда тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий тавсифи»** деб номланиб, ушбу бобда норма ижодкорлиги фаолиятини қамраб олувчи таркибий жараёнлар, ахборот билан таъминлаш масаласи бўйича замонавий ёндашувлар, норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти, норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборот турлари ва уларга қўйиладиган талаблар тадқиқ этилган.

Диссертантнинг фикрича, норма ижодкорлигини ахборот билан таъминлаш масаласини таҳлил этиш, аввало, унинг мажмуини ташкил этувчи жараёнларга аниқлик киритишдан бошлаш зарур. Муаллиф томонидан бу

борада ҳуқуқшунос олимларнинг (М.П.Кари, Б.Дулинг, Т.Гарви, Ж.С.Любберс, Е.Н.Ярмонова, С.И.Гирько, Г.С.Скачкова, Е.Е.Тонков, К.Е.Павлова, М.К.Нажимов, Ш.Рузиназаров, С.Иноятова, Х.С.Хайитов, П.А.Рустамов, А.Қ.Худойбердиев, Ш.Ҳ.Файзиев, И.В.Кудрявцев, И.Т.Тультеев, О.З.Шодиқулов, Ш.А.Сайдуллаев) ёндашувлари таҳлил қилинган ҳамда норма ижодкорлиги жараёни норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарурий ахборот тўплашдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, маъқуллаш, тасдиқлаш ва эълон қилишгача бўлган жараёнларни қамраб олиши тўғрисидаги хулосага келинган.

Муаллиф томонидан норма ижодкорлигини ахборот билан таъминлаш ўз ичига ўн олти босқичдан иборат бўлган жараёнларни қамраб олади, деган илмий назарий хулоса илгари сурилган.

Диссертант томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида «норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш» тушунчаси ва унинг таркибини ташкил қилувчи компонентлар миллий ва хорижий олимларнинг илмий ишларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларидаги тавсифи ишлаб чиқилмаганлиги кўрсатиб берилган. Шу боис, миллий қонунчилик ҳужжатларида норма ижодкорлиги субъектлари учун тақдим этиладиган ахборот, ахборот билан таъминлаш, ахборот билан таъминловчи субъект, ахборотга қўйилган талаблар каби масалалар бўйича алоҳида концептуал тушунчаларни ишлаб чиқиш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчи томонидан бир гуруҳ олимларнинг (Х.С.Хайитов, С.А.Садиков, А.А.Аманов, А.Қ.Худойбердиев, Х.Т.Маматов, П.А.Рустамов) «ахборот» тушунчаси бўйича билдирилган фикрлари таҳлил қилиниб, улар томонидан ахборот тушунчасига умумий, ижтимоий маънода ёндашилганлиги, ушбу таърифдан айнан норма ижодкорлигида фойдаланиладиган ахборот сифатида қўллаб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотчининг қайд этишича, миллий қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқий ахборот тушунчаси кенгайтирилиши, норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотни таснифлаш методологияси ишлаб чиқилиши, норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотга қўйиладиган талабларни белгилашга қаратилган услубий қоидаларни ўзида жамлаган ҳуқуқий асослар яратилиши лозим. Мазкур бобда норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборот тушунчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки ахборот-таҳлил материалларида акс эттириладиган, манбалари ва тақдим этиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги тизимлаштирилган, асослантирилган, ҳаққоний, аниқ, мақсадга мувофиқ маълумотлар тизими эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилган.

Диссертант томонидан Норвегия, Швеция, Финландия, Канада қонунчилиги таҳлили асосида норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотнинг таснифи таҳлил қилинган. Норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотнинг турларини таҳлил этиш, ахборотни таснифлаш, муайян мезонлар асосида турларга ажратиш назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ахборотни тегишли категорияларга ажратишга замин яратиши ёритиб

берилган. Муаллиф томонидан норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотнинг турлари: 1) ахборот ташувининг моддийлиги; 2) ифода шакли; 3) норматив хусусияти; 4) фойдаланиш эркинлиги; 5) тақдим этиш тартиби; 6) ахборотнинг келиб чиқиш манбаси каби мезонларга асосан таснифлаш методологияси илмий асослантирилган.

Диссертант норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ҳуқуқий ахборот тушунчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган маълумотлардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида келтирилган, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тизимлаштирилган маълумотларни ҳам ўз ичига олишини қайд этган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича, АҚШ ва Европа мамлакатлари норма ижодкорлиги амалиётида ҳуқуқий бўлмаган ахборотга алоҳида тасниф сифатида етарлича эътибор қаратилмайди. Бу борада кўпчилик хорижий олимларнинг ёндашувларига кўра, ҳуқуқий бўлмаган ахборот («non-legal information») эмас, балки «ноҳуқуқий ахборот» ёки «ноқонуний ахборот» («illegal information») нуқтаи назаридан ёндашилган.

Бундан ташқари, ушбу бобда норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотнинг сифат кўрсаткичларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келгусида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нуқсонларнинг олди олинишига хизмат қилиши ҳамда норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборот ўз вақтида мақбул воситалар ёрдамида таъминланиши, тўлиқ, ишончли, аниқ, янги бўлиши, илмий таъминланиши, эксперт-таҳлил маълумотларига асосланиши, айрим ахборотларнинг очиқлиги ёки махфийлиги каби талабларга жавоб бериши бўйича ахборот сифати концепцияси ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотнинг сифати бўйича АҚШ ва Европа мамлакатлари олимлари (Д.Ференбахер, М.Хелферт ва бошқалар) томонидан билдирилган илмий концепциялар таҳлил қилиниб, ахборотнинг сифати (information quality) ва маълумотнинг сифати (data quality) каби тушунчаларни норма ижодкорлигини сифатли ахборот билан таъминлашдаги ўрнига илмий баҳо берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш механизми»** га бағишланган бўлиб, мазкур бобда норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари, бу борадаги муносабат ва воситалар, норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъект масалалари илмий-назарий тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш муносабатлари ҳуқуқшунос олимларнинг (Е.В.Скурко, М.Крзесаж, Э.Балмер, Л.Б.Расмуссен, Л.Томсон, Е.А.Селиванова, Ҳ.Т.Одилқориев ва бошқалар) илмий ёндашувлари асосида таҳлил қилинган ҳамда ички ва ташқи муносабатларни ўз ичига олиши, ахборот билан таъминлаш ташаббуси проактив ёки реактив шаклларда ифода этилиши тўғрисида хулоса чиқарилган.

Илғор хорижий мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва Франция)

тажрибаси таҳлил этилиб, норма ижодкорлиги муносабатлари бирламчи ва иккиламчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнлар сифатида ўрганилган. Бунда қонун нормаларини яратиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ахборот билан таъминлаш муносабатлари «бирламчи қонунчилик»ни ишлаб чиқиш, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа органлар томонидан амалга ошириладиган норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш эса «иккиламчи қонунчилик»ни ишлаб чиқиш эканлиги сифатида эътироф этилган.

Муаллифнинг фикрича, норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш моддий ёки жисмоний, техник, дастурий, криптографик, маъмурий (ташкилий) воситалар ёрдамида амалга оширилиб, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан мақбул восита сифатида фойдаланилиши зарур. Шунингдек, сунъий интеллект воситаларидан (нейрон тармоқлари – «neural networks», маълумотларни шакллантириш – «data mining», эксперт тизимлари – «expert systems») фойдаланиш норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу борада Австрияда «E-Recht», АҚШда «E-Government», Австралияда «ParlWork», Данияда «De-bureaucratisation Programm» дастурлари ёрдамида ахборот алмашинуви самарадорликка эришилганлиги амалий мисол тариқасида келтириб ўтилган.

Шунингдек, изланувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонун ва палата қарорлари лойиҳаларини реал вақт режимида онлайн киритиш имкониятини яратиш, қонун лойиҳалари ва палата қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилишидан то расмий эълон қилинишигача бўлган хронологик босқичларни реал вақт режимида акс эттириб бориш, бошқариш ва мониторинг қилиш, ахборот олиш, фойдаланиш, сақлаш, қайта ишлаш каби функцияларни амалга ошириш имкониятини яратувчи «E-qonun» ягона электрон тизимининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш зарурати илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Диссертант томонидан норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъектлар масаласи бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг (И.Т.Тультеев, О.З.Мухамеджанов, Ф.Х.Отахонов, Р.Р.Хакимов, Э.Т.Хожиев, Г.С.Исмаилова, М.А.Рахимова, Б.Н.Сабиров, Х.У.Турдиев, Ш.Х.Зулфиқаров, М.М.Миракулов, А.Д.Бабаджанов, З.С.Исраилова, Ж.М.Ермашев, Қ.У.Умидуллаев, А.А.Махмудов) илмий ёндашувлари тадқиқ этилиб, бу борада муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашда парламент кутубхоналари муҳим аҳамият касб этиши илғор хориж тажрибаси (АҚШ Конгресси кутубхонаси, Буюк Британия Жамоа палатаси кутубхонаси, Лордлар палатаси кутубхонаси, Франция Миллий Ассамблеяси кутубхонаси, Япония Парламенти ҳузуридаги Миллий кутубхона, ГФР Бундестаг кутубхонаси) асосида ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги парламент кутубхонаси фаолиятини тубдан қайта кўриб

чиқиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертант томонидан АҚШ, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Жанубий Корея Республикаси каби давлатлар аллақачон сунъий интеллектдан қарорлар қабул қилишда самарали фойдаланиш бўйича ҳуқуқий базага эга эканлиги батафсил таҳлил қилинган ҳолда шундай ҳуқуқий базаларни миллий амалиётга жорий қилиш истиқболлари кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, норма ижодкорлигига рақамли технологияларни жалб қилишнинг самарадорлиги ҳақида илмий тадқиқотлар ўтказган олимлар (П.Фрэнк, С.И.Носов, С.Анджейо, П.Джехопио) қарашлари таҳлил қилиниб, норма ижодкорлиги учун зарурий ва сифатли ахборотларни таснифлашда сунъий интеллект алгоритмларини қўллаш, норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланиш борасида миллий стратегияни белгилаб олиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертант халқаро тажриба ва замонавий илмий концепциялар таҳлили асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти, ахборот алмашинувининг тезлиги ва сифатини ошириш, ортиқча транзакцион сарф-харажатларни (вақт, моддий таъминот ва бошқа саъй-ҳаракатларни) камайтириш мақсадида моддий ёки жисмоний таъминот воситаларидан босқичма-босқич воз кечиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, деган қатъий позицияни илгари сурган.

Ушбу бобда норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашда ақл марказларининг ўрни таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ақл марказларининг йиллик рейтингини шакллантириш механизмини жорий этиш, унда норма ижодкорлиги жараёни учун тайёрланган таҳлилий материаллар сони, сифати, инобатга олинган таклиф ва тавсиялар сони каби мезонларга таяниши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳам асослаб берилган.

Тадқиқотчи томонидан норма ижодкорларини ахборот билан таъминловчи субъектлар доираси норма ижодкорлиги субъектларидан кенгроқ эканлиги кўрсатилган ҳолда, унинг доирасига фуқаролик жамияти институтлари, жамоатчилик ва экспертлар, блогерлар, ақл марказлари ҳам кириши асослаб берилган. Шу боис, диссертант томонидан норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъект тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш истиқболлари**» деб номланиб, мазкур бобда норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, кадрлар салоҳиятини ошириш, илмий ахборот билан таъминлаш тизими, эксперт-таҳлил маълумотлари билан бойитиш масалалари тадқиқ этилган.

Изланувчи томонидан норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳуқуқшунос

олимларнинг (А.В.Ильин, Г.А.Мартьянов, Ф.Паскуале, Т.В.Трофимова, А.В.Ломовцева, К.Хендерсон) илмий ёндашувлари асосида таҳлил этилиб, қуйидаги истиқболли йўналишларга эътибор қаратилган: 1) норма ижодкорлиги жараёнининг шаффофлигини ошириш, ахборот алмашинувини мақбуллаштириш, илмий асослантириш, эксперт-таҳлил маълумотлари билан бойитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; 2) норма ижодкорлигини зарурий ахборот билан таъминлашда масъулият ҳамда тегишли мансабдор шахсларнинг билим ва малакасини ошириш; 3) норма ижодкорлиги жараёнида илмий ахборот билан таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш; 4) эксперт-таҳлил маълумотларидан самарали фойдаланиш, эксперт ва мутахассисларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш, уларнинг норма ижодкорлигидаги фаоллик даражасини баҳолаш тизимини жорий этиш.

Биринчи истиқболли йўналиш сифатида норма ижодкорлиги жараёни шаффофлигини ошириш, ахборот алмашинувини оптималлаштириш, илмий асослантириш, эксперт-таҳлил маълумотлари билан бойитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида «E-qonun», «E-ekspert», «Ilmiy axborot» электрон тизимлари тўғрисидаги муаллифлик ғоялари келтириб ўтилган.

Иккинчи истиқболли йўналиш сифатида норма ижодкорлиги субъектларининг малака ошириш ишларини ташкил этиш ижобий натижа бериши кўплаб олимлар (Ф.Х.Отахонов, Ш.Х.Зулфиқоров, Х.С.Хайитов, Ш.Н.Бердияров, Ж.Н.Неъматов, З.С.Исраилова, Д.Р.Артиков) томонидан қўллаб-қувватланганлигига қарамасдан, тадқиқотчи томонидан зарурий ахборот ва маълумотларни ўз вақтида, тўлақонли таъминлаш бўйича махсус жавобгарлик чораларини яратиш, норма ижодкорлиги субъектларига ахборот тақдим этувчи шахсларга қўйилган билим ва малака талабларини ишлаб чиқиш, норма ижодкорлиги билан шуғулланувчи мансабдор шахслар ҳамда масъул ходимларни ишга қабул қилиш бўйича малака мезонларини қайта кўриб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни реал вақт режимида кузатиш имкониятини тақдим этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини асослаб берилган.

Шунингдек, норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган ахборотни ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки талаб даражасидаги ахборотни тақдим этмаслик учун тегишли юридик жавобгарлик чораларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этиб ўтилган.

Муаллифнинг фикрича, норма ижодкорлиги жараёни самарадорлиги, аввало, ахборот айланиши, унинг сифати ҳамда «қайта алоқа» таъсирига боғлиқ бўлиб, бу борада масъул шахсларга нисбатан интизомий жавобгарликни қатъийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг тегишли мансабдор шахслари ёки норма ижодкорлигини ахборот билан таъминловчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ва уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлил материалларида қасддан сохта ёки нотўғри маълумот бериш, шахсий манфаатдорликка (бевосита ёки билвосита) йўл қўйиш, норма ижодкорлиги

учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ижро интизоми доирасида шахсий жавобгарликни келтириб чиқариши зарур.

Диссертант томонидан Буюк Британия, ГФР, Франция каби илғор хорижий мамлакатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тадқиқ этилиши орқали мансабдор шахсларнинг ахборот билан таъминлаш талабларини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш масаласи ижобий баҳоланди. Шунингдек, норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъектларнинг рейтинг тизимини жорий этиш, уларни рағбатлантириш чора-тадбирларини комплекс ишлаб чиқиш бу борада ижобий натижаларга эришишга хизмат қилиши асослаб берилди.

Изланувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органларнинг мансабдор шахслари, шунингдек норма ижодкорлигини зарурий ахборот билан таъминловчи субъектлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ташкилот ва муассасаларнинг йиллик рейтингини аниқлаш, ташаббус кўрсатган субъектлар ва уларнинг илмий ходимларини рағбатлантириш, тақдирлаш, турли номинациялар асосида рейтингларини шакллантиришни йўлга қўйиш лозимлиги ҳам ёритиб берилган.

Бундан ташқари, норма ижодкорлиги жараёнини илмий ахборот билан таъминлаш – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда илмий тадқиқотлар, илм-фан ютуқлари ва илмий таҳлиллар натижаларидан фойдаланиш жараёни эканлиги очиб берилган.

Ушбу бобда тадқиқотчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нуқсонларни олдини олиш мақсадида «evidence-based lawmaking», «science-based lawmaking» дан фойдаланиш, уларни норма ижодкорлиги жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб топилган ҳамда бу борада илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси (АҚШ, Австралия, Буюк Британия) таҳлил этилиб, уларни жорий этиш механизми муҳокама этилган. Хусусан, АҚШда «Далилларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш тўғрисида» ги (Evidence-based Policymaking Act) Қонунига биноан федерал даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда илмий ахборотдан фойдаланиш мажбурийлиги белгиланганлиги муаллиф томонидан ижобий баҳоланади. Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан олиб борилиши таъкидланиб, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилишидан олдин қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан тегишли тартибда олимлар, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ёки бошқа илмий тадқиқот институтлари иштирокида илмий экспертизаси амалга оширилиши лозимлиги қайд этилган. Шу сабабли, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида» ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасини 5$^1$-банди билан тўлдириш таклифи диссертант томонидан асослаб берилган.

Шунингдек, норма ижодкорлиги жараёнига тегишли билим ва малакага эга бўлган олимларни жалб этиш мақсадида уларни рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш механизмлари илғор хориж тажрибаси (Австралияда «Йил олими мукофоти», АҚШ Конгресси томонидан илмий экспертизадан ўтказиш, Буюк Британияда муайян мансабни эгаллаш учун илмий даражага эга бўлиш, Европа Иттифоқи қонунчиликни такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларга 320 миллиард евро ажратганлиги) таҳлил этилиб, Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар қаторига тегишли мутахассис ёки олимларнинг илмий хулосаларини киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилган.

Диссертантнинг фикрича, норма ижодкорлиги жараёнида эксперт-таҳлил маълумотлари билан таъминлашнинг айрим жиҳатлари илмий изланувчилар ҳамда ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилганлигига қарамасдан, эксперт-таҳлил маълумотлари тушунчасига якдил ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, эксперт-таҳлил маълумотларини тайёрлаш, уларга қўйилган талаблар бўйича ягона методология ишлаб чиқилмаганлиги, эксперт-таҳлил маълумотларини тайёрлашга жалб қилиниши мумкин бўлган эксперт, мутахассисларнинг билим ва малакасига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилмаганлиги, эксперт позициясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таъсири ҳамда эксперт-таҳлил маълумотлари акс этган хулосаларнинг юридик мақоми қатъий белгиланмаганлиги келажакда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самарали қўлланилишига тўсқинлик қилиши мумкинлиги асослантирилган.

Изланувчи томонидан ҳуқуқшунос олимларнинг (Б.Д.Абдуллаев, Ш.А.Сайдуллаев, Х.С.Хайитов, А.Қ.Худойбердиев, Р.А.Демаков, М.Хусанова, О.А.Фомичева, Л.Клювер, Р.Нильсен, М.Л.Йоргенсен ва бошқалар) илмий ишлари тадқиқ этилиб, эксперт-таҳлил маълумотлари икки асосий категориядан ташкил топганлиги ёритиб берилди. Бунда эксперт ва таҳлил маълумотларининг алоҳида хусусиятлари илмий таҳлил этилиб, эксперт маълумотларини тайёрловчи субъектлар доираси қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаб берилганлиги, маълумотлар объектига нисбатан муқобилларни танлаш имконияти берилмаслиги, бундай маълумотларни тайёрлашда белгиланган предмет ва объектдан четга чиқмаслик, тегишли шакл ва қоидалар асосида расмийлаштирилиши, экспертиза хулосаларида акс эттирилган маълумотлар ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиши каби хусусиятлар таҳлил этилган.

Шунингдек, таҳлилий маълумотлар турли ихтисосликларни якка ёки комплекс тарзда қамраб олиши, илмий-ижодий ёндашувни қўллаб-қувватлаши асосида амалга оширилиши қайд этилган.

Муаллифнинг фикрича, норма ижодкорлиги жараёнида фойдаланиладиган эксперт-таҳлил маълумотлари махсус билим, малакага эга бўлган эксперт, мутахассис ва олимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материаллари бўйича тақриз, эксперт хулосаси ёки мутахассислар муҳокамаси натижаларида акс эттириладиган, тизимли, муайян соҳадаги когнитив

характердаги билимга асосланган маълумотлар жамланмаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлиги жараёнида эксперт-таҳлил маълумотлари билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари ҳузурида эксперт гуруҳлари тузилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ–3628-сон қарори асосида давлат бошқаруви ва республика аҳамиятидаги давлат органларида эксперт-таҳлил гуруҳлари ташкил этилганлиги таҳлил этилган.

